



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 18 август, № 169 (8512)

Жума

Сайтимиғиз ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 август куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Мурат Нуртлеуни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, янги амалий мазмун билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида ташқи ишлар вазири Мурат Нуртлеу давлатимиз раҳбарига Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг салом ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон етакчиси кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликда юксак даражага эришилгани, жумладан, парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудий маъмуриятлар, жамоатчилик ва тадбиркорлар даражасида сермахсул мулоқотлар амалга оширилаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Қўшма Ҳукуматлараро комиссия ва Ишчи гуруҳ самарали фаолият юритмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми кўлайиб, икки мамлакат етакчи қорхоналари ўртасидаги кооперация кўлами кенгаймоқда. Маданий-гуманитар тадбирлар мунтазам ўтказиб борилмоқда.

Учрашувда сиёсий мулоқотларни янада фаоллаштириш, иқтисодийнинг стратегик тармоқларидаги лойиҳаларни жадаллаштириш, гуманитар алмашинув дастурларини кенгайтириш ҳамда Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик ва шерикликни мустаҳкамлаш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ «ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий иқтисодий тизимни барқарор юксалтириш, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтариш, мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги катта хизматлари, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси, шунингдек, бизнесда эришаётган амалий натижалари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони билан тақдирлансин:

**Жасуликов Шарияр Алияр ули** — Нукус шаҳридаги «Data Biznes Control» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Келимбетов Бердимурат Абдимуратович** — Нукус шаҳридаги «Nukus Windows Profil» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Рахметов Серикбай Халбаевич** — Эллиққалъа туманидаги «Agro Eksim Gold» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сатуллаева Венера Айтняязовна** — Чимбой туманидаги «Сатуллаева Венера» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Хасанов Аҳмет Тажибеич** — Тахياتош туманидаги «Gold Sandwich» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Юсупова Тамара Раҳимбеична** — Амударё туманидаги «Tamura Textile» масъулияти чекланган жамияти директори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Арипов Бахтиёр Мухамедович** — Андижон туманидаги «Valley Fish» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Джороева Матлуба Мухтаровна** — Хўжаобод туманидаги «Orkidea Textile» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Комолов Рустамжон Ақромович** — Жалақудуқ туманидаги «Great Rich» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

**Садиқов Бобирбек Авазбекович** — Андижон шаҳридаги «Windows and Doors Factory» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Тўланов Абдуҳаким Абдуҳамидович** — Булоқбоши туманидаги «Nectar Agro» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Усанов Отабек Ганиевич** — Андижон шаҳридаги «Водий олтин куз» масъулияти чекланган жамияти директори, Андижон вилояти

**Хамракулов Абдулазиз Турсунбаевич** — Избоскан туманидаги «Textile Style» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Азимов Шамшод Исломович** — Бухоро шаҳридаги «Айван палас» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Ахатов Дилмурод Бекмуратович** — Бухоро шаҳридаги «Armen plyus» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Ачилов Фарход Иброҳимович** — Бухоро вилояти «Leichter Kamalak Textilien» масъулияти чекланган жамиятининг молия масалалари бўйича директори

**Баратов Замирбек Илхомович** — Когон туманидаги «Сиевущ текстиль» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти

**Дерипалко Дмитрий Александрович** — Бухоро вилояти «Knauf Gips Вухоро» хорижий қорхонаси бош директори

**Джабборов Жавлон Шавкатович** — «Пешку агрокластер ёғ-мой» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Қадиоров Одил Гайбуллаевич** — «Ғиждувон ипак тола» масъулияти чекланган жамияти раҳбари маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**Мавлонбердиев Нодир Раҳимжонович** — Когон шаҳридаги «Кочни» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти

**Мансуров Асрор Мехриддинович** — Қорақўл туманидаги «Кумуш калава» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

(Давоми 2-бетда).

### Дунё нигоҳи

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАШАББУСЛАРИ

ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Россиянинг «Московский комсомолец» газетасида «Ўзбекистоннинг кенг кўламли ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Марказий Осиё бўйича россиялик эксперт Андрей Захватов қаламига мансуб ушбу мақолада сўнгги йилларда Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида босқичма-босқич етакчи ўринни эгаллаб, минтақадаги иқтисодий ва сиёсий зарбалар таъсирини тушмаган ягона давлат бўлиб қолаётгани ёзилган.

«Республикада очик, оқилона ва прагматик халқаро сийosat олиб борилаётгани 2016 йилда биринчи марта Президентлик сайланган Шавкат Мирзиёевнинг глобал ташаббуслари алақачон юксак ва ҳар томонлама баҳолангани жаҳонда Ўзбекистоннинг нуфузи ва роли ошиб бораётганидан далолатдир, — қайд этади эксперт. — Шу боис Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик тамойилларини шакллантиришга бўлган ёндашуви кўпчи давлатлар томонидан фаол ўрганилаётгани ажабланарли эмас».

У, шунингдек, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган асосий халқаро ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини шарҳлар экан, уларнинг барчаси миллий ва умуминсоний манфаатларга хизмат қилиб, глобал муаммолар ечимини таъминлашни таъкидлаган.

«Жумладан, 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Президенти «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» ташаббусини илгари сурган эди. Унда Марказий Осиё давлатларининг тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни ўрнатилмоқдаги роли эътироф этилган. Шундан сўнг Шавкат

Мирзиёев жаҳон жамоатчилигига Орол фожиаси ва унинг кўламини кўрсатди. 2021 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг ялпи мажлисида Ўзбекистон ташаббуси билан «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюция қабул қилинди», дейилади мақолада.

Материалда Ўзбекистоннинг бошқа халқаро ташкилотлар — МДҲ, ШХТ ва Туркий давлатлар ташкилотидоги ўрни ва фаолияти алоҳида қайд этилган. МДҲ маконида Ўзбекистоннинг халқаро ташаббуслари иштиракчи мамлакатларнинг мақсадлари билан бутунлай ўхшаш бўлиб, улар орасида республика Ҳамдўстлик етакчилиридан бири функцияларини бажаради.

«Республиканинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидоги иштирокига келадиган бўлса, ушбу халқаро тузилмада Ўзбекистон муҳим ташаббусларнинг драйвери бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Президенти 2017 — 2023 йиллар давомида ШХТ саммитларида минтақавий хавфсизликни ҳамда савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инновациялар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни таъминлаш ва ўзаро муносабатлар самардорлигини оширишга қаратилган 80 дан ортиқ ташаббусларни илгари сурди», дейилади «Московский комсомолец»да.

Мақола ҳулосасида Ўзбекистон ташаббуслари халқаро майдонда хорижий давлатлар раҳбарлари томонидан ҳам юксак баҳоланаётгани қайд этилган.

«Дунё» АА. Москва

### Сенатор ва ҳаёт

## ИШЧИ ГУРУҲ ВАКИЛЛАРИ ФАРҒОНАДА

Хабарингиз бор, аввалроқ Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид вазифалар ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини олиб бориш, аҳоли вакиллари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар билан мулоқот қилиш мақсадида ўрганишлар олиб борди. Кейин ҳам бу борадаги ишлар Сенат аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ вакиллари томонидан давом эттирилди.

Ўрганишлар давомида, асосан, ижтимоий соҳа ва инфратузилмани яхшилаш, жумладан, уй-жой қурилиши, ички йўллар ҳолати, аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш, мактабгача таълим қамрови даражасини ошириш, таълим муассасаларида ўқувчиларнинг сифатли билим олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар ижроси, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, бўш турган бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш орқали иш ўринларини яратиш борасида ҳам жойлардаги ҳолатлар ўрганилди.

Хусусан, масъуллар Фарғона шаҳрида фаолият юритаётган «Алтер» иситиш қозонлари ишлаб чиқарувчи қорхона фаолияти билан танишар экан, куз-қиш мавсумида улар ишлаб чиқараётган хавфсиз, камчиким қозонларга талаб ва эҳтиёж ортисини алоҳида таъкидлаб, қорхона фаолиятини кенгайтириш бўйича бир нечта таклифларни илгари сурди.

Ушбу қорхона 2019 йилда Польша давлати билан ҳамкорликда фаолият бошлаган бўлиб, ҳозир шаҳар ва туманлардаги ижтимоий объектларга кўмирда ишлайдиган иситиш қозонлари етказиб бермоқда. Бугунги кунда қорхонанинг йиллик қуввати 2 мингта иситиш қозони ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлса, яқин келажақда

бу кўрсаткични 10 мингтага етказиш режалаштирилган.

Айни чоғда ишчи гуруҳ вакиллари жойларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнларини ҳам ўрганди. Жумладан, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини кўмир, газ ва электр энергияси билан барқарор таъминлаш, кўп квартирали уйлари мавсумга тайёрлаш бўйича кўрилатган чоралар билан яқиндан танишилди. Фарғона шаҳридаги 5-умумтаълим мактабиде янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнлари, хоналарини иситиш тизими, куз-қиш мавсуми учун шароитлар қай даражада эканлиги кўздан кечирилди.

Ўрганишлар давомида аниқланган муаммолар шаҳар, туман, вилоят ва республика даражасида кўриб чиқилиб, ҳал қилиш чоралари кўриладиган бўлди. Сенат аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ вакиллари ҳудудда амалга оширилаётган ишлар юзасидан зарур кўрсатмаларни, шунингдек, лойиҳалар сифатли ҳамда ўз вақтида ақунлиниши юзасидан ўз тавсияларини берди.

«Халқ сўзи».

Биз доимо изланиб, янгиликка интилиб яшайдиган тадбиркорларимизни, ўз ишига фидойи ва жонкуяр, ватанпарвар инсонлар деб биламиз ва уларни қадрлаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## ТАДБИРКОРЛИК — ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРИ

Маълумки, 2021 йилнинг 20 август куни Президент Шавкат Мирзиёев илк бор тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказди. Юзма-юз учрашув олдидан 15 мингдан ортиқ савол ва таклифлар келиб тушди. Улар еттига йўналиш бўйича тизимлаштирилди ва ижросини таъминлаш юзасидан Президентнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Эзгу ташаббусга кўра ҳар йили ушбу санада энг илғор тадбиркорлар Президент томонидан давлат мукофотлари билан тақдирланганидан

бўлди. Қувонарлиси, 20 август — Тадбиркорлар куни деб белгиланди.

2022 йили тадбиркорлар билан бўлиб ўтган иккинчи учрашув олдидан республика штабига 8,5 мингта мурожаат келиб тушди. Уларнинг 72 фоизи ўз вақтида ҳал этилди. Учрашувда давлатимиз раҳбари бешта йўналишда ташаббусларни илгари сурди. Булар солиқ ставкаларини пасайтириш, ихчамлаштириш ҳамда солиқ ва боғжона имтиёзлари кўламини кенгайтиришни назарда тутди.

### Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!

Бу йил учрашувга тайёргарлик доирасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилиб, ҳар бир ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакил — Бизнес-

омбудсман, Савдо-саноат палатаси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар масъуллари иштирокида тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилаётди. Натижада тадбиркорлардан тушаётган ҳаётий таклиф ва илғор ташаббуслар ўрганилмоқда, уларни қийнаётган ва ҳал этилиши муҳим

бўлган баъзи муаммо ҳамда камчиликлар аниқланиб, ечими топилмади.

Газетамизнинг 3-саҳифасида юртимизнинг турли ҳудудларидан бўлган фаол тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

«ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Намозова Дилрабо Тураевна — Тадбиркор ногирон аёллар миллий ассоциациясининг Бухоро вилояти бўлинмиси раҳбари
Собиров Худойр Худойкулович — Когон туманидаги «Когоннефтегазэнергосервис» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти
Султонов Абдулазиз Акрамович — Вобкент туманидаги «Вобкент тола кластер» масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари, Бухоро вилояти
Тешаев Фаррух Бахриддинович — «Ғиждудон агрокластер ёғ-мой» масъулияти чекланган жамияти директори, Бухоро вилояти
Тоҳтасинов Азаматжон Абдугаппарович — Бухоро вилояти «WBM Romitex» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси
Тураев Дурбек Исомиддинович — Когон туманидаги «Пром текстиль» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Бухоро вилояти
Умаров Гулмурод Нормуродович — Жондор туманидаги «Аржуманбону чорваси» фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти
Илясова Насиба Курбановна — Фаллаорол туманидаги «Нозимабегим Насибаси» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти
Иномов Элимдор Икромович — Шароф Рашидов туманидаги «Дафна ифори» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Жиззах вилояти
Каримов Фуқрат Сатторович — Жиззах шаҳридаги «Master System East» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Жиззах вилояти
Норбоев Давронбой Латифбоевич — Фориш туманидаги «Нурали-Элназар чорвадор» фермер хўжалиги иш бошқарувчиси, Жиззах вилояти
Одиллов Акмал Эргашевич — Жиззах шаҳридаги «Доктор Акмал» масъулияти чекланган жамияти директори, Жиззах вилояти
Туракулов Элёр Шухратович — Жиззах шаҳридаги «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Жиззах вилояти
Усмонов Рустам Бахрамович — Зарбдор туманидаги «Зарбдор парранда» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти
Жураев Илхом Назарович — Қарши шаҳридаги «Asian Golden Oil» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти
Низамова Саодат Кенжаевна — «Хунарманд» уюшмасининг Шахрисабз шаҳар бўлими аъзоси, каштачи, Қашқадарё вилояти
Султонов Шавкат Файзуллаевич — Нишон туманидаги «Agro Gold Premium» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти
Халилов Илхомжан Холматович — Қарши туманидаги «Cluster Khilal» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Қашқадарё вилояти
Холмуродов Неъматулло Турдиевич — Шахрисабз туманидаги «Оқ сув шомоли» масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти
Шодмонов Машраб Бозорович — Косон туманидаги «Косон саннат монтаж» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти
Бўронов Уткир Уктамович — Фозгон шаҳридаги «Мармаробод» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти
Ерофеев Евгений Алексеевич — Навоий шаҳридаги «Hayat Power Cable Systems» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Навоий вилояти
Курбонов Жасур Абдуғафорович — Навбахор туманидаги «Сарой уни» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти
Пирматов Воҳид Абдувахобович — Конимех туманидаги «Qizilqum safari» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти
Рахматов Меҳроҷ Саматович — Навоий шаҳридаги «Bright Industry Buildings the Future» масъулияти чекланган жамияти директори, Навоий вилояти

Хусанова Латофат Нуруллаевна — Навоий шаҳридаги «Chados» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти
Эшназаров Дилшод Комилович — Хатирчи туманидаги «Махаммад Али кувончи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти
Абдураулов Азизбек Алишерович — Наманган шаҳридаги «Gavhar Jewel Group» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Наманган вилояти
Бабаханов Ориф Обидович — Наманган шаҳридаги «Art Soft Holding» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Наманган вилояти
Давронова Наргиза Шухратовна — Поп туманидаги «Шаҳобидин шукрона текстиль» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Наманган вилояти
Джаббаров Марина Давидовна — Наманган шаҳридаги «Silk Granat» хусусий корхонаси раҳбари, Наманган вилояти
Добрех Анна Константиновна — Наманган шаҳридаги «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти
Нишанов Аваз Нуриддинович — Наманган шаҳридаги «Balance Tex» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти
Шеров Шерзод Абдурахимович — Косонсой туманидаги «AS Group Tex» масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти
Абдижалилов Толибхон Абдувайитович — Оқдарё туманидаги «Pichoqchi Dry Fruits» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти
Ахроров Баҳодир Рустамович — Урганч туманидаги «Sam-Nur-Tafviz» масъулияти чекланган жамияти директори, Самарқанд вилояти
Исламова Махбуба Хайруллаевна — Иштихон туманидаги «Nodixon Agro Product» ишлаб чиқариш корхонаси таъсисчиси, Самарқанд вилояти
Қаршиев Сиражиддин Эргашович — Нуробод туманидаги «Espero.KSE» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти
Мунисов Абдуазиз Абдулбориевич — Самарқанд шаҳридаги «Tespack» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Самарқанд вилояти
Рустамов Илхом Асламович — Самарқанд шаҳридаги «EB Ilyosbek Story House» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти
Салоев Ахмад Акбарович — Самарқанд шаҳридаги «Shashlik Uz» хусусий корхонаси раҳбари, Самарқанд вилояти
Салоҳиддинов Бехруз Сайфиевич — Пастдарғом туманидаги «New Tech Samarkand» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти
Тураев Зафар Сунонович — Урганч туманидаги «Big Stroy Building» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти
Абдувахобов Аббор Мансурович — Сирдарё туманидаги «Peng Sheng charm» масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори, Сирдарё вилояти
Ахмедов Гафур Турсунбоевич — Сирдарё туманидаги «Sirdarya Ceramic Production» масъулияти чекланган жамияти бош директори ўринбосари, Сирдарё вилояти
Бектураев Умнат Аббасович — Ховос туманидаги «Ховос гулшани» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти
Буриев Акмалжон Туракулович — Сайхунобод туманидаги «Тошкент сити голд блок» масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти
Вафоев Шерзод Сулейманович — Сирдарё туманидаги «Бекзодшер қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти
Джалилов Шавкат Сураатович — Гулистон туманидаги «Milli Teks Sirdaryo» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сирдарё вилояти
Купайсинов Кахрамон Гуламович — Гулистон туманидаги «Мевазор мебель сервис» хусусий корхонаси раҳбари, Сирдарё вилояти
Хайдаров Шерзод Акрамжонович — Сирдарё туманидаги «River Med Pharm» масъулияти чекланган жамияти директори, Сирдарё вилояти
Хамдамов Адхамжон Мухторжон ўғли — Гулистон шаҳридаги «Fortuna Textile» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сирдарё вилояти

Шукурова Зухра Бегимкуловна — Боёвут туманидаги «Шукуров Ҳазратқул» фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти
Болтаев Исмолиддин Турсуневич — Термиз шаҳридаги «Термиз-Бойсун қурилиш» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Сурхондарё вилояти
Ишонкулов Аъзамжон Арслоневич — Сароисиё туманидаги «Шарғун бунёдкори» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти
Набиев Аббос Абдурашид ўғли — Ангор туманидаги «Фабулло строй сервис» масъулияти чекланган жамияти директори, Сурхондарё вилояти
Норбоев Абдусамат Даминович — Денов туманидаги «Меҳнат фаровон ҳаёт» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти
Подшоева Малика Юлдошевна — «Хунарманд» уюшмасининг Бойсун тумани бўлими аъзоси, каштачи, Сурхондарё вилояти
Расулов Тожи Маматхолиқович — Шеробод туманидаги «Расулов Тожи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти
Сатторов Урол Абдуллаевич — Термиз шаҳридаги «Саиджон Мухаммаджон музқаймоқлари» масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси, Сурхондарё вилояти
Уташев Мансур Шатураевич — Термиз шаҳридаги «Zif Textile» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти
Шотўраев Аслбек Рахимжон ўғли — Термиз туманидаги «Termez Agro Imprex» масъулияти чекланган жамияти ижрочи директори, Сурхондарё вилояти
Юлдошев Бехзод Жўрамамадович — Музработ туманидаги «Курбон Нормўмин» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти
Абдухалилов Абдурашу Абдурашидович — Бўстонлик туманидаги «Turon Resort» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти
Ризаева Гавхар Нигматовна — Паркент туманидаги «Заркент Гавҳари» фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти
Саидамомедов Икболжон Ибрагимович — Урта Чирчиқ туманидаги «Fresh Food Pack» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти
Салиев Сайдудулла Инаятиллаевич — Тошкент туманидаги «Bonito Group» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти
Сиделёв Александр Юрьевич — Ангрэн шаҳридаги «Теплоизоляциянная компания» хорижий корхонаси директори, Тошкент вилояти
Хван Григорий Мангимович — Юқори Чирчиқ туманидаги «Hanuz Enterprises» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент вилояти
Хожиев Пабижон Нугманжонович — Чиноз туманидаги «Perfect Paper Group» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти
Эргашев Шуқрулла Зикруллаевич — Оҳангарон шаҳридаги «Оҳангарон қувур металлургия заводи» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти
Юсупов Акмал Маратович — Оққўрғон туманидаги «Yuste» масъулияти чекланган жамияти бош директори, Тошкент вилояти
Абдуллаев Исроил Исмоилович — Учқўприк туманидаги «ММА Камтар-Бегойим» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фаргона вилояти
Ахмедов Баҳодир Рахмонович — Фаргона шаҳридаги «Moderna Ceramic Industries Fergana» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фаргона вилояти
Ахмедов Қодиржон Махмудович — Ўзбекистон туманидаги «Turon Eco Cement Group» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фаргона вилояти
Мансуров Махсуджон Шухратжон ўғли — Учқўприк туманидаги «Betonplita» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фаргона вилояти
Махмудов Орифжон Олимжон ўғли — Ўзбекистон туманидаги «Sement xomashoyi savdosi» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фаргона вилояти
Махмудов Эркин Омонович — Бешарик туманидаги «Farg'ona yasin qurilish mollari» қўшма корхонаси раҳбари, Фаргона вилояти

Орипжонов Исомжон Иномжонович — Риштон туманидаги «Чинор плюс» хусусий корхонаси раҳбари, Фаргона вилояти
Ражджаев Шавкат Шоиревич — Учқўприк туманидаги «Mollis» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Фаргона вилояти
Сабиров Рустам Хасанович — Марғилон шаҳридаги «Merfen-Ko» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фаргона вилояти
Содиқова Иродахон Исроиловна — Учқўприк туманидаги «Худойёрхон» оилавий корхонаси раҳбари, Фаргона вилояти
Умирзаков Сарваржон Бахтиёрвич — Тошлоқ туманидаги «Экспо Коллор Прин Текс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фаргона вилояти
Хайдаров Асрор Адхамович — Бувайда туманидаги «Ёшлик ниҳол инвест» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фаргона вилояти
Шерматов Мақсад Мўминевич — Бувайда туманидаги «Lion Print» хусусий корхонаси раҳбари, Фаргона вилояти
Аллабергенов Илхамбек Эгамбергенович — Урганч туманидаги «Milly Bottlers» хусусий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти
Курязов Шерзодбек Кўчкаревич — Хазорасп туманидаги «Kharazasp Diamond» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти
Мухаммедов Шоҳруҳ Қўзиевич — Урганч туманидаги «Асл парранда» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти
Рузметова Нигора Атабаевна — Урганч шаҳридаги «Sevinch Med Kompleks» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти
Сабиров Алишер Шавкатович — Богот туманидаги «Xorazm Tex» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Хоразм вилояти
Хаджиев Атабек Юлдашевич — Урганч шаҳридаги «Табассум савдо плюс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти
Абдувахидов Абдуқодир Абдугани ўғли — Бектемир туманидаги «Сифатли товуқ» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри
Абдуқаюмов Анвар Гайратович — Олмазор туманидаги «Visage Electric» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри
Абдуллаев Абдурашид Абдушукурович — Олмазор туманидаги «Fendo Ideal» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри
Ақбаров Наримон Хасанович — Янгиҳаёт туманидаги «Sun Tex» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри
Жиянбаев Отабек Эшдавлатович — Чилонзор туманидаги «Magnum Medical Servis» тиббий жиҳозлар ишлаб чиқариш корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри
Қасимов Абдунаби Қадирович — Чилонзор туманидаги «Radiks» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри
Маматджанов Дилшод Фахритдинович — Сергели туманидаги «Aysel Inshaat» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри
Мирзаахмедова Наргис Рустамовна — Яшнобод туманидаги «Cargee» нодавлат таълим муассасаси бош директори, Тошкент шаҳри
Набиходжаев Сайдолим Усмонович — Чилонзор туманидаги «Atlas Invest» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри
Садиков Шамил — Бектемир туманидаги «Kommet Pro» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Тошкент шаҳри
Ташмухамедов Абдуқаҳор Абдурауфович — Шайхонтоҳур туманидаги «Green White Solutions» масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент шаҳри
Ташмухамедова Мухаббат Бахтиёрвич — Чилонзор туманидаги «Нурафшон-нур» хусусий корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри
Юлдашева Вазира Абдуллаевна — Тошкент шаҳар Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ 2023 йил 17 август

ЭЛУ ЮРТ МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИГА ЧИҚАДИ

Президентимиз мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасига, жумладан, Бухоро вилоятига ҳам алоҳида эътибор ва меҳр билан қарайди. Одамлар тақдири, навқирон авлоднинг келажагини қалбига яқин олиб, худуд ривожига тўсиқ бўлаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш йўлларини кўрсатиб беради.

Мулоҳаза

Давлатимиз раҳбари бир неча кун муқаддам Бухоро вилоятида бўлганида ҳам шундай бўлди. Илғор саннат корхоналари ва маҳаллалар ҳаёти билан танишди, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш маросимида иштирок этди. Айниқса, бугун долзарб бўлиб турган масалалар, хусусан, мамлакатимизда табиий газ ва электр энергиясининг оқилона фойдаланиши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда инфляцияни яшилтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида халқимизни ўйлантираётган, эртанги кунимиз билан боғлиқ масалаларни илгартириш ва унинг ечимларини кўрсатди. Бундай муаммолардан бири — бу жаҳонда кузатилаётган сув танқислиги. У аламқатон умумбашарий экологик муаммолардан бирига айланган. Иқлим ўзгариши, глобал иссиқ оқибатда сувга талаб ошгани сайин унинг манбалари тобора камайиб бораётгани масаланинг нечоғли долзарб тус олганини кўрсатиб турибди. Афсуски, бунинг салбий оқибатлари обиҳаёт ресурслари чекланган Ўзбекистонда ҳам яққол сезилмоқда. Кишини хушёрликка чорлайдиган жиҳат шундаки, 2030 йилга бориб деҳқончилик мавсумида сув танқислиги 7 млрд. куб метр, 2050 йилга қадар эса 13 — 15 млрд. куб метрга етиши эҳтимоли юқори. Бу эса ушбу бебаҳо неъматдан оқилона, тежаб фойдаланишни тақозо қилаётир. Қолаверса, сўнгги 15 йилда ёгин-

гарчилик 25 фоизга қисқарди. Ёзда ўта иссиқ кунлар давомиёлиги ортигани олдимида ҳали катта синовлар борлигидан далolat беради. Ҳозирги вақтда экин майдонларига сув етказиб беришда сезиларли йўқотишлар бор. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Аксарият худудларда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бораётгани, чўлланчи, қургўқчилик, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш сулар жумласидандир. Мана шундай мураккаб шароитда мамлакатимизда пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш хисобига аҳолига деҳқончилик қилиши учун 200 минг гектар ер майдонлари ажратилди. Натижада 700 минг нафар аҳоли доимий, яна 1,3 млн. нафари мавсумий иш билан таъминланди, 605 минг нафар деҳқонларнинг даромадлари кўпайди. Картошка билан ўзини ўзи таъминлайдиган туманлар 112 тага, пиёз билан — 144 тага, сабзи билан —146 тага етказилди. Мазкур чоралар туфайли бозор ва дўконларимиз тўкинлиги таъминланди, экспорт ошди, жон бошига даромад ўсди. Қишлоқларда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, иссиқлик ва камбағаллик масаласи ечилди. Аммо йиғилишда таъкидланганидек, бугунги кунда 94 та туман ва шаҳар ўз аҳолисининг картошкага бўлган талабини таъминлай олмайди, 62 таси пиёз, 60 таси сабзи, 84 таси гўшт, 139 таси парранда гўшти ва туҳумни бошқа худудлардан олиб келади. Давлатимиз раҳбари ҳар бир ма-



салага алоҳида тўхталиб, муаммоларнинг ечимини айтиди. Пахта ва ғалла майдонларини қисқартириб, бу йил кузда ва келгуси йили баҳорда яна 70 минг гектар экин ерларини аҳолига тарқатиш режа қилинган. Аммо жойлардаги раҳбарлар бугунги кунгача ажратилган 200 минг гектардан самарали фойдаланишни тўғри ташкил қила олмаётгани кўрсатиб ўтилди. Жумладан, сув таъминоти ва унумдорлиги яхши бўлмагани учун жами ерларнинг 13 минг гектари ёки 8 фоизи қаровсиз турибди. Бухоро, Қашқадарё ва Наманганда атиги 15 фоиз ерлар эҳтиёжманд оилаларга берилган. Шу муносабат билан дастлабки босқичда 10 йил муддатга ажратилган 73 минг гектар майдоннинг ижара муддатлари 30 йилга узайтириб берилиши белгиланди. Бўш турган 100 минг гектар яйловлар чорваси бор аҳолига камида 10 гектардан 10 йил муддатга ижарага олишига рухсат берилди. «Ижтимоий ҳимоя реестри»га киритилган эҳтиёжманд аҳоли ер учун барча тўловлардан озод қилинади. Йиғилишда тақдир қилинган экинлар экилиши ҳолатига ҳам тўхталиб ўтилди. Июль ойида йиллик инфляция даражаси 8,9 фоизни, озиқ-овқат маҳсулотларида эса 10,7 фоизни ташкил

қилди. Бу борада картошка, пиёз, ун ва ёғ маҳсулотлари ўтган йилдагига нисбатан арзонлашгани муҳим омил бўлди. Лекин тақдирий экин экиши ишлари тўғри ташкил этилмагани боис айрим худудларда сабаби нархи 52 фоизгача ошган, помидор 2 баробар қимматлаган, бодиринг нархи 1,7 баробаргача ўсган. Бундан ташқари, республика бўйича бор-йўғи 44 минг гектарга картошка тақдирий экин сифатида экилган. Озиқ-овқат танқислигига йўл қўймайликнинг яна бир йўли — дала четларидан самарали фойдаланиш. Жорий йилдан бошлаб 70 мингдан зиёд фермерларнинг 60 минг гектар бўш дала четларида узум, қовоқ, қовун, тарвуз ва сабзавот экиб, қўшимча 220 минг тонна маҳсулот етиштириш, 600 минг бош парранда ва 300 минг дона асалари оиласини боқиб бўйича катта дастур қабул қилинган. Лекин айрим вилоят, туманларда локаллик, эътиборсизлик кузатилаётгани ачинарли. Жумладан, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар Навоийда фақат 31 фоиз, Фарғонада 34 фоиз, Тошкент вилоятида 70 фоиз майдонларга экилган холос. Қорақалпоғистонда 16 минг гектар дала четлари мавжуд бўлса-да, 5 минг гектар билан чекланган, Наманганда 17 минг гектар ўрнига 3,5 минг, Қашқадарёда 26 минг гектар ўрнига 12 минг, Бухорода 22,5 минг гектар ўрнига атиги 5,5 минг гектар дала четлари ўзлаштирилган. Шу боис қишлоқ хўжалиги комплекси раҳбарлари вилоят ва туман ҳокимлари билан бирга бўш дала четларидан самарали фойдаланиш бўйича масъулиятни қўйиштириш шартлиги кўрсатиб ўтилди. Бу чораларнинг барчаси мамлакат аҳолисининг қарийб 50 фоизи яшаётган худудларда, иқтисодийнинг 4 тўртдан бир қисмини ташкил этаётган ва 3,5 млн.гача киши банд бўлиб турган

аграр соҳада тегишли ислохотларни жадаллаштириш, келгусида аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга хизмат қилади. Табиийки, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш экология софлигига ҳам боғлиқ. Экология тоза бўлса, ернинг унумдорлиги ошади, шўрланмиш даражаси камаяди. Шунинг учун «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида барча худудларда кўкalamзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиш бўйича катта дастур қабул қилинган. Бунинг учун ҳар бир вилоятда баҳор ва куз мавсумида 15 млн. туп дарахт кўчатлари экиш, барча шаҳарлар атрофида «яшил белбоғ»лар ташкил қилиш зарурлиги белгиланган. Афсуски, кўчатлар сўғориш тизими йўқ худудларга экилгани сабабли 10 млн. ниҳол нобуд бўлган. Дарахт кўчатларини йўллар бўйида экиш ишлари 33 та туман ва шаҳарда умуман бажарилмаган. Давлатимиз раҳбари энергетика тизимидаги муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди. Зеро, халқимиз ҳам, тадбиркор ва инвесторлар ҳам долзарб масала бўлган энергетика соҳасида аниқ ечимлар кутаётир. Тан олиш керак, энергетика соҳасидаги муаммолар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Кўп йиллар давомида янги газ конларига инвестиция киритилмагани, электр ва газ тармоқлари модернизация қилинмагани ҳам аниқ ҳақиқат. Шу билан бирга, сўнгги олти йилда аҳоли сони 13 фоиз,

саннат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 мингга кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Иқтисодий тизимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25 — 30 млрд. доллар инвестиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин. Шу боис сўнгги уч йилда соҳага 8 млрд. долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Бу йил 4,5 минг мегаватли 11 та йирик лойиҳани якунига етказиш белгиланган. Жумладан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 млрд. кВт. электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпайди. Умуман, юртимизда «яшил» энергетикани ривожлантириш ва иқтисодийта энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш бўйича катта марралар олинган. Ўтган даврда 430 мегаватли қайта тикланувчи энергия манбалари ишга туширилгани, шунинг ўзи йилга 1,2 млрд. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқаришга имкон бераётгани, бу ижтимоий соҳа объектлари йиллик истеъмолнинг 60 фоизига тенглиги Ўзбекистонда соҳада жиддий қадамлар ташланаётганини кўрсатади.

Обиджон ХАМИДОВ, Бухоро давлат университети ректори, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор.

# ТАДБИРКОРЛИК – ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРИ

## ЯНГИ ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ОЧИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДАМИЗ

**Амина БЕГЖОНОВА, «Munak-trout» МЧЖ раҳбари (Қорақалпоғистон Республикаси):**



лий "Қора уй" (Ўтов) лагерлари ташкил қилинди.

Президентимизнинг Оролбўйи худудларини ривожлантиришга бўлган юксак эътибори туфайли Мўйноқ туманида ҳам оламшумул ўзгаришлар амалга оширилди ва бу сайёҳлар оқимини сезиларли даражада кўпайтирди. Туризмни ривожлантириш мақсадида 2017 йили ушбу йўналишда тadbirkorлик фаолиятини бошладим. Имтиёзли кредит маблағлари эвазига автотранспорт воситалари сотиб олинди, замонавий меҳмонхона бунёд этилди ҳамда сайёҳлар кўп таъриф буюрадиган худудларда қорақалпоқ мил-

нинг сайёҳлик компаниялари қатнашган "Берлин — 2023" халқаро туризм ярмаркасида қатнашдик. Бу ерда халқаро сайёҳлик компаниялари билан алоқаларни йўлга қўйиб, биргаликда юртимизга сайёҳларни жалб қилиш борасида амалий ишларга киришдик.

2022 йили 5 миң 209 нафар сайёҳга хизмат кўрсатган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 3,5 миң сайёҳ бизнинг хизматларимиздан фойдаланди. Жамоамизда 25 нафар маҳаллий ёш доимий иш ўрни билан таъминланган бўлиб, сайёҳларга 12 та йўналиш бўйича хизмат кўрсатамиз. Хозирда Қорақалпоғистоннинг диққатга сазовор бошқа худудлари бўйлаб янги туризм маршрутларини очишни режалаштирмоқдамиз.

## ИШСИЗ, МАБЛАҒСИЗ ЭДИМ, БУГУН ҚОРҲОНА РАҲБАРИМАН

**Шамсиддин БАҲРОМОВ, Нишон тумани, тadbirkor:**



— Рости, шу йил бошида ҳам ишсиз, маблағсиз, фақат бир дунё режалар билан юргандим. Охири имтиёзли кредит олиш учун маҳалладаги ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилдим. Унинг кўмағида март ойда "Limrio" оилавий қорхонасини таъсис этиб, акам иккала миң 60 млн. сўм имтиёзли кредит олган, ишимиз юришиб кетди.

Авалл хўжалик совуни ишлаб чиқарувчи қорхонада меҳнат қилганман. Бу соҳада бир оз тажрибам, маслаҳат сўрайдиган таниш-билишларим бор. Шу боис олинган кредитга қунига икки миң

дан ташқари маҳалламизнинг ўна яқин ёшлари шу ерда меҳнат қилишарди. Лекин бу бизни қониқтирадиган натижа эмас. Хусусан, яқинда Тожикистонга 90 миң долларлик маҳсулот экспорт қилиш бўйича шартнома имзоладик. Маҳсулотларимизни Афғонистонга сотиш юзасидан иш олиб борилаётди. Бундан ташқари, келгусида барча турдаги тозалик воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Шу мақсадда пардоз совунлари, суюқ совун ҳамда идиш-товуқ ювишда фойдаланиладиган гел ишлаб чиқариш имконини берадиган технологиялар харид қилинди. Бу фаолиятимизни янада кенгайтириш учун катта имкониятдир.

## ИМТИЁЗ ВА РАҒБАТ МЕҲНАТГА ИШТИЁК УЙФОТАДИ

**Соҳиб СУЛАЙМОНОВ, Қоровулбозор туманидаги «Vuxoro Real Moto» масъуляти чекланган жамият директори, «Шухрат» медали соҳиби:**



Асосийси, 250 та иш ўрни яратганмиз.

— Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги қорхоналарни барпо этиш эндиликда ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланиб қолди. Негаки, бу қатор ижтимоий масалалар — аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш сари йўл очади, шунингдек, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрлаш имконини беради.

Бу борада биз, тadbirkorларни давлатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Яқинда Президент Шавкат Мирзиёев вилоятимизда бўлиб, янги бизнес лойиҳалари билан яқиндан танишгани, раъсий тугмани босиб бир қатор санаот, хизмат кўрсатиш қорхоналарини ишга туширгани ҳам ишбилармонларга бўлган эътибор намунаси. Шундай қорхоналар сифида масъуляти чекланган жамиятимиз ҳам борлиги кўнгилмизда фахр-ифтихор хиссини уйғотади.

Қорхонамизда "Lochin" русумли юк мотоцикллари, квадроцикллар ҳамда кишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган мотокультураторлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларга ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам талаб катта. Чунки, яқинда хорижга 1 млн. АҚШ доллари миқдорига тайёр маҳсулотни экспорт қилдик.

Бозордаги талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, фаолиятимизни кенгайтириш ниятидамиз. Хусусан, хитойлик ҳамкорларимиз билан электромотокцикллар ишлаб чиқариш юзасидан дастлабки келишувга эришдик. Бу яқин истиқболда фаолият кўламини янада кенгайтириш, экспорт-боп маҳсулотлар ҳажминини оширишга муҳим аҳамиятга эга.

Ютуқлар кўлами йилдан-йилга ортиб боришида давлатимиз раҳбари биз, тadbirkorларга яратиб бераётган имкониятлар, имтиёзлар жуда қўл келмоқда. Бу хусусда гап кетганда, 20 август Тadbirkorлар кўни сифатида нишонлаб келинаётганини, давлатимиз раҳбарининг шаҳсан ўзи шу санада тadbirkorлар билан очик мулоқот қўлаиб, муаммоларга ечим топилаётганини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Очик мулоқот, бу — тadbirkorлар учун катта имконият, рағбат ва имтиёздир.

## КУЛОЛЧИЛИКНИ САЙЁҲЛИК БИЛАН УЙҒУНЛАШТИРИЯМИЗ

**Ислом ОРИҒЖОНОВ, Риштон туманидаги «Чинор плюс — 2020» қорхонаси раҳбари:**



— Шу йилнинг 27-28 июль кунлари Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи чоғида қорхонамиз тантанали равишда ўз фаолиятини бошлади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Риштонда ота-боболардан мерос қулочлик жадал ривожланиб, туризм салоҳияти юксалди. Ўз навбатида, ушбу юмуш билан банд аҳолининг турмуш фаровонлиги, тadbirkorлик субъектларининг фаолият кўлами тобора яхшиланиб бормоқда.

Ўтган қисқа даврда кенг қамровли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, миллий мейморий андозлар асосида муҳташам мажмуа қад ростлади. Эндиликда бу ерда нафақат қуллоқлик маҳсулотлари тайёрлаш ва экспорт қилиш, шу билан бирга, туризм хизматларини йўлга қўйиш имконияти яратилди.

"Оқер" МФЙ худудида жойлашган ушбу мажмуанинг дастлабки лойиҳа қиймати 35 млрд. сўм сифатида белгиланган бўлса, киритилган ўзгаришлар ҳисобига бугунги кунда қурилиш ишларига жалб қилинган инвести-

ция миқдори 50 млрд. сўмдан ошди. Бу маблагнинг 25 млрд. сўми "Ўзсаноатқурилишбанк"дан кредит сифатида олинган бўлса, қолган қисми ўз маблағимиздир.

Туризм мажмуасида меҳмонхона, ёғзи ва қишки чўмилиш ҳавзаси, тантаналар зали ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган бўлиб, бундай қўлай шaroитлар туманга маҳаллий ва хорижий сайёҳларни янада кенг-роқ жалб этишга хизмат қилади. Бу ерда Қуллоқлик маркази ҳам йўлга қўйилиб, касачилик асосида ёндоқ ҳудуддаги аҳоли хонадонларини ушбу юмушга жалб этиш кўзда тутилган. Умуман олганда, мажмуада 500 га яқин доимий иш ўринлари яратилмоқда.

## ҲАР БИР ТАКЛИФ ИНОБАТГА ОЛИНАДИ

**Ҳилола ОБИДОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Гулистон шаҳридаги «Beton sapot» МЧЖ раҳбари:**



— Болалиқдаги қизиқшим мени қурилиш соҳасига етаклади. Бу касбни таллашимнинг яна бир сабаби — юртимизда аёлларнинг ҳар бир соҳада етуқ мутахассис бўлиши учун имкониятлар мавжудлиги ва давлатлик томонидан тadbirkorларнинг қўллаб-қувватланаётганидир.

Дастлабки йилларда фаолиятимизни фақат бир йўналишда, бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бошлаганмиз. У пайларда 100 га яқин ишчиларимиз бор эди. Қисқа давр ичида қорхонамизни янада кенгайтирдик. Бугунги кунда фаолият турларимиз

ортиқ хонадонларга эга уйлари қурилиш режалаштирганмиз.

Айтиш жоизки, хизмат юзасидан қайси давлатга борсам, ўша худуднинг архитектура си билан қизиқаман, янги инновацион қурилишлари ўрганаман. Ниятим — келажакда жонанамиз Ўзбекистонимиз аҳолиси учун жаҳон стандартларига мос чироили иншоотлар, арзон ва сифатли уйлар барпо этиш.

Агар қўлай бизнес муҳити яратиб берилса, тadbirkor жуда катта ишларни амалга оширишга қодир. Бунга кейинги йиллардаги янгиланган мисолида гувоҳ бўлиб туришимиз. Чунки тadbirkorнинг ҳар бир янги лойиҳаси элни, юрт тараққиётини кўзлаб амалга оширилади.

10 га яқин. Бир қанча ишлаб чиқариш қорхоналаримиз бор. Шунга яраша иш ўринлари ҳам бир неча баробар кўпайган. Бу йил 300 дан зиёд замонавий, арзон ва сифатли хонадонларни қуриб битказган бўлсак, келаси йили 1000 дан

## ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

**Собир РАҲМОНОВ, Термиз шаҳридаги «SUF» гиламлар қорхонаси раҳбари:**



— Тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун хоҳиш-истакнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун қўлай шарт-шaroит талаб этилади. Давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида бу соҳа ривожига қаратилган юксак эътибор иқтисодий барқарорликка эришиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўз фаолиятимда шунга амин бўлдимки, тadbirkorга эмин-эркин ишлаши учун шaroит яратиб берилса, қўллаб-қувватланади, унинг фаолияти кенгайиб бороваради. Авваллари тadbirkorлик субъектларида кредит билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд эди. Эндиликда хусусий бизнесни йўлга қўймоқчи бўлган ишбилармонлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга давлатнинг ўзи яқин кўмакчи.

Шу йилнинг 13 март кунини давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида яна бир йirik лойиҳамиз, қиймати 20,2 млн. еврога тенг гилам ишлаб чиқариш қорхонасини ишга туширилди. Натияжада 150 та иш ўрни яратилди. Замонавий технологиялар ёрдамида хозирда 10 турдаги гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Умуман, қорхонамизда бир йилда 10 млн. доллардан зиёд маҳсулот тайёрланса, унинг асосий қисми Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ҳамда Афғонистонга экспорт қилинмоқда.

## СОЛИҚ, ЕР, КРЕДИТ ВА АСОССИЗ ТЕКШИРУВЛАРГА ЕЧИМ БОР

**Нодирбек ТОЖИБОЕВ, Бизнес-омбудсманнинг Наманган вилояти шуббаси раҳбари вазифасини бажарувчи:**



— Бугунги кунда Наманган вилоятида қарийб 36 миңга яқин кичик бизнес ва тadbirkorлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 2,5 миңга яқини жорий йилнинг олти ой ичида рўйхатдан ўтган ва бу тadbirkorликка қизиқувчи юртоқ қўлланмада сафи кенгайиб бораётганидан дарак. Бунинг жойларда қўлай тadbirkorлик муҳити, хусусан, зарур инфраструктура яратилганлиги, истиқболли лойиҳалар ҳам томонлама қўллаб-қувватланаётгани билан боғласак тўғри бўлади. Айни пайтда вилоят яқин худудий маҳсулотига тadbirkorлик субъектларининг улуши 75 фоиз, аҳоли бандлигида 83 фоизга тўғри келаётганлиги ҳам имкониятлар кўлами тобора ошиб, марралар янада каттароқ олинётганидан далолат беради.

Бизнес-омбудсманнинг вилоят шуббасига жорий йилнинг ўтган даврида тadbirkorлик субъектларидан 411 та мурожаат келиб тушди. Шундан 359 таси ёки 80 фоизи ижобий ҳал этилди. Ўрганишлар ва мониторинг кузатувлари таҳлилидан келиб чиқиб, 136 та таъсир чораси қўлланилди ва қорун бузилиш ҳолатига йўл қўйган 122 мансабдор шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди. Бир қатор ташкилот ва идораларга тақдирнома ҳамда оғохлантиришлар киритилди.

Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги очик мулоқоти олдидан вилоятда ўтказилаётган учрашувларда масаланинг айтиш жиҳатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, бундай учрашувларда 300 дан ортиқ тadbirkorлик субъектлари вакиллари банк кредити, молиявий масалалар, солиқ, энерге-

тика ва бошқа соҳалардаги мавжуд муаммоларни ўртага ташлади. Шундан 50 га яқин мурожаат ва тақлифлар ўрганиб чиқиш учун қабул қилинди ва ижроси алоҳида назоратга олинди. Хусусан, Тўрақўрғон туманида фаолият юритувчи "Runap tex" МЧЖ директорининг фитосанитария сертификатини олишга доир, Поп туманидаги "Chodak Nihol tex" МЧЖ раҳбарининг ижара асосида фойдаланишга берилган ўрмон фонди ерларига енгил конструкцияли қурилмаларни жойлаштиришга оид қонunchилик ҳужжатларига берилган тақлифлари тайёрланиб, ваколатли органга киритилди.

## ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИНИНГ ИШ УСЛУБИ ЎЗГАРГАНИ ҚУВОНАРЛИ

**Нарзиқул ХОЛИҚОВ, тadbirkor, Самарқанд шаҳри:**



— 2017 йилдан тadbirkorларга эътибор ва рағбат кўрсатила бошлангач, фаолият кўламини кенгайтириш орқали бугунги кунда 300 дан зиёд ёшлари иш билан таъминланганмиз. Кейинги йилларда давлат идораларининг тadbirkorларга кўмакчи сифатида иш услубларини ўзгартиргани жуда ҳам қувонарли. Ил давомида республика ишчи гуруҳлари, вазириклар, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси масъуллари бевосита тadbirkorларнинг олдига келиб ўз кўмагини бермоқда. Бу уларга катта ёрдам бўляпти.

Анъана тусини олган Президент ва тadbirkorлар мулоқоти бу йил учинчи мартаба бўлиб ўтди. 2021 йили 42,5 млн. долларлик 105 та лойиҳа ишга туширилди. 3 610 та иш ўрни яратилди. Ил якунига қадар 65,5 трлн. сўмлик санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Биргина шу рақамларнинг ўзи ҳам ислохотларнинг ҳаётбахш самараси, десак, айтиш ҳақиқатдир.

Ўтган йилги учрашувда давлатимиз раҳбари тadbirkorликни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини белгилаб берди. Унга қўра, 2023 йил 1 январдан қўйилган қиймат солиғи 12 фоизга туширилди. Бундан ташқари, янги солиқ ставкалари табақалашган бўлиб, 4 фоиздан 25 фоизгача эди. Эндиликда бу солиқ фақат 4 фоиз қилиб белгилангани бизга кўшимча имкониятларни яратди. Ўнг муҳим янгиликлардан бири — мол-мулк дахлсизлиги таъминланди. Бу тadbirkorликни янада ривожлантириш ҳамда халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

## ЭЛДАН ДУО ОЛИШГА НЕ ЕТСИН

**Исроилжон МАЛИҚОВ, Хонобод шаҳридаги «Минор мероси» МЧЖ бош муҳандиси:**



— Бугунги кунда мамлакатимизда тadbirkorлик фаолиятини ташкил этиш, уни жадал ривожлантириш борасида катта имкониятлар яратилмоқда. Қорхонамиз жамоаси ҳам бундан умумий фойдаланган ҳолда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўлида самарали хизмат қилиб келмоқда. Бевосита ишчи-мутахассисларимиз сайёҳ-харакати билан биргана жорий йил бошидан буюн вилоятдаги 20 дан ортиқ маҳалларга обихаёт олиб келинди.

Айни пайтда Хонобод шаҳридаги «Кампирровот» МФИда 9,2 км. масофага сув қувурини тортиш ва 4 та сув саклаш иншоотини барпо этиш ишлари олиб бориляпти. Қолаверса, худудларда сув таъминотини яхшилашда жаҳон тажрибасини амалда қўллаш, иш

жараёнига энг замонавий техника воситаларини жалб этиш лойиҳалари устида изланишлар олиб борилаётди.

Бугун Андижон вилоятида 6 миңдан ортиқ санаот қорхоналари фаолият кўрсатиб бормоқда. Улар томонидан йил бошидан буюн 42,5 млн. долларлик 105 та лойиҳа ишга туширилди. 3 610 та иш ўрни яратилди. Ил якунига қадар 65,5 трлн. сўмлик санаот маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Биргина шу рақамларнинг ўзи ҳам ислохотларнинг ҳаётбахш самараси, десак, айтиш ҳақиқатдир.

## БЕЗАКЛИ ОЙНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — НОЁБ ЛОЙИҲА

**Иброҳимжон КОМИЛОВ, «Minguan silu industry» МЧЖ шаклидаги хорижий қорхона директори, «Келажак бунёдкори» медали соҳиби:**



— Юртимизда тadbirkorларга яратилаётган имкониятлар ва инвестиция жозибадорлигидан умумий фойдаланиб, кенг асортиментдаги ойна маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошладик. Айнан давлатимиз раҳбари билан тadbirkorларнинг юзма-юз мулоқоти йўлга қўйилгани бизга ўзгача ғайрат-шажоат бахш этмоқда. Қорхонамиз безакли қуриш ойнаси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, унинг умумий қиймати 110 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Йилга 24 млн. квадрат метр ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасининг биринчи босқичида 29 млн., иккинчи босқичида 25 млн., жами 54 млн. АҚШ

долларлик хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Бунинг натижасида йилга 4 млн. квадрат метр безакли ойна тайёрлаш йўлига кўшилади.

Юқоридаги жиҳати, қорхонамиз нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Бундай имконият қорхона фаолиятини кенгайтириш ва маҳсулотлар экспортини йўлга қўйишда ўз натижасини бермоқда. 2022 йил давомида 5078,0 миң метр квадрат безакли ойна маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, унинг бир қисми

қўшни давлатларга экспорт қилинди. Айни вақтда қорхонамиз учун керак бўладиган кварц куми, доломит, оҳақтош, шпат маҳсулотларининг асосий қисми юртимиз конларидан қазиб олинади. Шу тариқа хомашё маҳсулотларининг маҳаллийлаштириш даражаси 95 фоизга етказилди. Яқинда Хитойдан 350,0 млн. АҚШ долларлик флот, қўш панеллари ва автомашиналар учун ойна маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастгоҳлари олиб келинди. Хозирда уларни ўрнатиш ишларини олиб бораёмиз. Натияжада яна 150 нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш имконияти яратилди. Шунингдек, хитойлик ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда 1,15 млрд. долларлик технопарк қуриш лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда.

Қисқа сатрларда



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан "Ташаббусли бюджет" амалиётини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Парламент қуй палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ОАВ ходимлари қатнашган тадбирда мамлакатимизда йилдан-йилга оммалашиб бораётган "Ташаббусли бюджет" жараёнларини янада такомиллаштириш ҳамда мавжуд айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар муҳокама марказида бўлди.

\*\*\*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмиталарининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда "Ўзбекистон Республикасида COVID-19 инфекциясига қарши шозишлик чораларни кўриш" лойиҳаси ҳолати юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Санитария-эпидемиологик оқсоишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг ахбороти эшитилди.

\*\*\*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фақуллода ва мухтор элчиси Юй Цзюнин қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

ОДАМЛАРНИ ҚИЙНАБ КЕЛАЁТГАН МАСАЛАЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ

Аввал хабар берганимиздек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудлардаги корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, тадбиркорлик субъектларида бўлиб, "маҳалладаги бешлик", сектор раҳбарлари, фермерлар, аҳоли ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ўтказмоқда.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси раҳбари Алишер Қодиров бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар Зомин туманида бўлиб, маҳаллий Кенгаш депутатлари, туман мутасаддилари билан учрашди.

Учрашувда мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг мазмун-моҳияти тушунирилди. Янгиланган Конституцияга киритилган нормалар, уларнинг аҳамияти тўғрисида атрофлича маълумотлар берилди.

Ўзаро мулоқотлар чоғида Президентимиз раҳбарлигида ҳудудларда ўтказилган видеоселектор йиғилишларида

белгиланган устувор вазифаларнинг аҳамияти ҳақида сўз бориб, улар ижросини таъминлаш маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига ҳам катта масъулият юклаши қайд этилди.

Учрашувларда сўзга чиққанлар янгиланган Бош қомусимизда халқимизнинг фикри, хоҳиш-иродаси, барча тоифаларнинг — ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари акс этганини билдирдилар.

Қуйи палата депутатлари, шунингдек, ҳудудлардаги мавжуд ҳолат билан яқиндан танишиб, одамларни қийнаб келаётган масалалар ҳамда йиғилиб қолган тизимли муаммоларни ҳам ўрганди.

«ПАРЛАМЕНТ ЎЙИНЛАРИ» ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

Хабарингиз бор, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори билан ҳар йили уч босқичли (вилоят, минтақавий, республика) "Парламент ўйинлари" спорт мусобақалари юқори савияда ўтказиб келинмоқда. Айни пайтда жорий йилги спорт ўйинлари ҳам уюшқоқлик билан ташкил қилиниб, ҳаяжонли лаҳзаларга бой тарзда кечаётганини эътироф этиш жоиз.

Жараён

Уларда Сенат аъзолари ва Сенат девони ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва Ёшлар парламенти аъзоларидан иборат жамоалар баҳс олиб борапти. Мусобақалар аёллар ҳамда эркеклар ўртасида спортнинг минифутбол,

волейбол, стол тенниси ва бадминтон турлари бўйича ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, жорий йилги мусобақанинг ҳудудий босқичлари кутилганидан ҳам юқори даражада ўтказилди. Беллашувларда 3 минг нафар ҳаваскор спорт-

чи иштирок этганилиги ҳам шундан далолат бериб турибди. Аънанга мувофиқ, ҳудудий босқичлар гомлибери диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Парламент ўйинлари"нинг якуний босқичи Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимизда бўлиб ўтади.

Ушбу мусобақалардан кўзланган асосий мақсад парламент аъзоларини жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш ҳамда улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топдиришдан иборат бўлиб, бу амалда ўзини тўла оқламоқда.

«Халқ сўзи».

БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИГА ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИАТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Ш. Буронов, Н. Ризаев, М. Абдиева, Б. Эшмирзаев Самарқанд вилоятининг бир қатор туманларида бўлиб, аҳоли вакиллари, тадбиркорлик субъектлари, маҳалла фаоллари билан мулоқотлар ўтказди.

Дастлаб депутатлар Самарқанд туманидаги "Мастер Прайм Жиангсу" МЧЖ қўшма корхонасида бўлди. Айни чоғда ушбу корхонада 35 та иш ўрни ташкил этилган бўлиб, йиллик товар айланмаси 6 млрд. сўмини, йиллик бюджет тушумлар эса ўртача 720 млн. сўмини ташкил этади.

Учрашув чоғида депутатлар кейинги йилларда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, бизнес вакиллариغا яратилаётган имкониятлар ҳақида атрофлича маълумотлар берди.

Янги Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилангани, тадбиркорлик тараққиёти учун яхлит тизим шакллантирилгани ва барча ундан бирдек фойдаланиш имкониятига эга бўлгани таъкидланди.

Депутатларнинг навбатдаги манзили — тумандаги кичик саноат зонаси ҳудудида жойлашган "Мино мастер пласт" МЧЖ. Ушбу корхонада иш икки сменада ташкил этил-

ган ва 30 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган.

Халқ вакиллари тумандаги "Гулбод" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлди. Маҳалла раиси, "маҳалладаги бешлик", тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётида сезилаётганини, одамларнинг яшаш шароитлари яхшиланишини қайд этдилар.

Масалан, ушбу маҳаллада яшовчи Дилобар Дўсмутова тижорат банкидан олган имтиёзли кредит эвазига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Натижада ўзининг ва турмуш ўртоғининг бандлиги таъминланган. Ҳозирги кунда ушбу фаолият оилга ўртача бир ойда 2,5 — 3,5 млн. сўм даромад келтирмоқда.

Қонунчилик палатаси депутатларининг Жомбой туманидаги учрашувлари ҳам амалий натижаларга бой бўлди. Халқ вакиллари корхона ва ташкилотларда бўлиб, аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказди, кўтарилган масалаларга мутасадди идоралар вакиллари билан биргаликда ечим топилди.

«Халқ сўзи».

КАСБ-ҲУНАРЛИ ЁШЛАР — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Кейинги йилларда жамиятимизда инсонга эътибор ўзгарди. Айниқса, ёшларга нисбатан, уларнинг илм олиши, ҳунарли бўлиши, умуман, жамиятга муносиб ўрнини топиши билан боғлиқ масалаларга муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Тизимли ёндашув йўлга қўйилди. Буни ёшларни касбга йўналтириш мисолида кўриб чиқсак янада аниқ тасаввур ва хулосага эга бўламиз.

Бандлик

Ёшларни касб-ҳунар танлашга тайёрлашда ҳар бир ўғил-қиз шахсидаги индивидуал хусусиятларни инобатга олиш, уларнинг туғма истеъдоди, маълум бир касб-ҳунарга нисбатан лаёқат, мойиллиги қараб касб-ҳунарга йўналтириш иш-сизлигининг олдини олиш баробарида, жамиятга фойдаси тегадиган мутахассислар сони кўпайишида муҳим аҳамиятга эга.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2022 йилда мактабларни тамомлаган ўқувчиларнинг 35,4 фоизи олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинган, 29,5 фоизи ўзини ўзи банд қилган, 8,6 фоизи ишга жойлашган, 4,7 фоизи тадбиркорлик фаолиятини бошлаган бўлса, 1,3 фоизи чет давлатларга, 0,7 фоизи ҳарбий хизматга кетган.

Бугунги кунда мактаб таълимида янги ёндашувлар кўзга ташланмоқда. Халқаро илғор тажрибалар ўрганилиб, энг самарали деб топилганлари амалиётга жорий этиляпти. Усмиларни ўқитиш, тилларни ўзлаштириш, касб-ҳунарга ўргатиш ва кизиктиришда замонавий усуллардан фойдаланилаётди.

Ўтган йили 14 минг 474 нафар 11-синф битирувчилари касб-ҳунар ва тадбиркорлик курсларида ўқитилган. Шундан 9 минг 113 битирувчи тегишли сертификат олган ва 3 минг 677 битирувчи имтиёзли кредитлар берилган.

Ёшларнинг маънавий, ахлоқий, жисмоний, руҳий эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, уларни ҳар томонлама касб-ҳунар танлашга мустақил тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. 2023 йил 1-февралдан бошлаб республика бўйича тажриба-синов тариқасида 42 та туман (шаҳар)да жами 126 та мактабда 64 та ишни, 21 тадбиркорлик йўналиши ҳамда 10 та ИТ ва "креатив индустрия" йўналиши бўйича 9,8 минг нафар ўқувчи касбга ўргатилди.

Ҳудудларда мактаб битирувчилари учун "Таълим ва касб — 2023" халқаро кўرғазмаси ташкил этилди. Кўрғазмага 50 дан ортиқ хорижий олий таълим му-



ассаса вакиллари, 80 мингга яқин мактаб битирувчилари жалб этилди. Бундан ташқари, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан "Ўзбекистон профессионал таълим тизимида ислохотлар ва замонавийлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида ҳамкорлик меморандуми имзоланиб, республика семинарлари ўтказилди.

Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва агротехнология йўналишидаги корхона ва ташкилотларга 34 мингга яқин экскурсиялар ташкил этилиб, 616 мингдан ортиқ ўқувчилар қамраб олинди. Битирувчи ўқувчиларнинг касбга бўлган кизиқшини янада ошириш мақсадида "Касб ва ёшлар" очиқ мулоқот ойлғи ўтказилиб, қарийб 563 минг ўқувчи 716 та профессионал таълим муассасалари фаолияти билан таниди.

"Хунар — хунардан ризкин унар" дейди доно халқимиз. Ўқувчи мактабни тугатган тўғри йўналтириш, сўнг талаб юқори бўлган касб эгаси бўлишига кўмаклашиш унинг келгуси ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга. Рақамлардан, амалга оширилаётган ишлар салмоғидан кўриниб турибдики, Президентимиз бошчилигида ёшларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб етишишлари учун оталарча ғамхўрлик қилинмоқда.

Мақсад эзгу ва ягона — янги Ўзбекистон фарзандлари ҳаёт билан ҳамнафас, шижоатли, билимга чанқоқ, ҳалол ва дунёга теран нигоҳ билан боқадиган инсонлар бўлиб тарбия топишига эришиш. Мехнаткаш ёшлар эса тўғри фикр, илғор дунёқараш билан мамлакатни фаол ривожлантирувчи драйверга айланади.

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

«4 К» МОДЕЛИ АСОСИДАГИ ЯНГИ МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИ

Билим — энг катта ҳазина, уни ҳеч бир бойлик билан қийслаб бўлмайди. "Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмайди" деб бежиз айтилмаган. Жаҳон тараққиётида интеллектуал салоҳият муҳим аҳамият касб этиб, билимли ва малакали инсоннинг кучига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бошқача айтганда, инсон капитали XXI асрда одамзоднинг, ҳар бир давлатнинг тақдирини белгилайдиган мезонга айланади.

Президентимиз раислигида чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида қайд этилган бу талабдан кейин ёшларга чет тилларни ўргатиш ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланди.

Яқин-яқингача ҳам мактабларимизда хорижий тилни ўргатиш деганда, асосан, дунёнинг юз миллионлаб инсонлари сўзлаша оладиган инглиз тили фанининг ўтилишига эътибор қаратилар эди. Аммо бошқа ривожланган мамлакатларнинг тиллари кейинги даражага тушиб қолаётгандек эди. Камида 2 та хорижий тилни ўргатиш заруриги билан боғлиқ талабнинг қўйилиши юқоридаги тенденцияга барҳам берди.

Натижада француз тили ўқитилгандаги умумий ўрта таълим мактабларига француз тили дарсликларини тўғридан-тўғри етказиб бериш бўйича Франциянинг Didier FLE наشريёти билан шартнома имзоланди. Унга мувофиқ, "Passe-Passe" дарслик мажмуалари 1 — 4-синфлар учун, "Decibel" дарслик мажмуалари 5 — 9-синфлар учун ҳамда "L'atelier" дарслик мажмуалари 10,11-синфлар учун етказиб берилиши белгиланди. Қолаверса, Германиянинг Клет наشريёти билан имзоланган шартнома асосида 1 — 11-синфлар учун 231,5 минг нусха немис тили машқ дафтарлари чоп этилди.

USAID ва RTI International ташкилотларининг "Ўзбекистон Баркамоллик учун таълим дастури" доирасида Кембриж наشريётининг 5 — 11-синфлар



учун информатика ва ахборот технологиялари дарсликлари рус, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларига таржима қилиниб, нашрга тайёрланмоқда.

Сўнги пайтларда бир қатор хорижий мамлакатларда информатика эрта ёшдан ўқитилмоқда. Бундай ёндашув болаларда мантиқий фикрлаш, ижодий қобилиятлар ва муаммога турли технологиялар ёрдамида ечим топиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Қолаверса, келажак авлоднинг тез ўзгараётган рақамли дунёга тайёрлаш замонавий технологияларнинг таълим жараёни интеграциясига хизмат қилади.

Илғор хорижий тажриба асосида умумтаълим муассасаларининг 1 — 4-синфлари учун янги, замонавий дарсликлар тайёрланди. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларида компьютер саводхонлиги машғулотлари 1-синфдан бошлаб киритилмоқда. Дастлабки йилда "Информатика ва ахборот технологиялари" фани ҳафтада 1 марта ўқитилди.

1 — 4-синфлар учун ҳозирги мактаб дарсликлари "4 К" мо-

делига асосланган инновацион ёндашуви ўзида мужассамлаштиради. Ушбу методология болаларни ҳар томонлама ривожлантиришга мўлжалланган бўлиб, коллаборация (жамоа бўлиб ишлаш), коммуникабеллик (мулоқот кўникмалари), креатив фикрлаш, критик фикрлаш (янги маълумотга нисбатан танқидий баҳо бериш) жиҳатлари асосий эътибор қаратилади.

Умуман, бу янгиланган янада самарали, замонавий ва шахсга йўналтирилган таълим муҳитини яратишга хизмат қилиб, ўқувчиларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш, уларга чуқур билим ва малака бериш учун замин яратади.

Хулоса ўрнида айтганда, дарслик — ҳар қандай босқичда таълимнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчи қанчалар кучли бўлмасин ёки ўқувчи қанчалар истеъдодли бўлмасин, улкан ҳажмдаги билимларни тизимли равишда етказиш учун ҳам барибир дарслик керак.

Тан олишимиз керакки, дарсликлар борасида бизда муаммолар етарлики эди. Китоблар сифати масаланинг битта томони бўлса, уларнинг маълум мазмуни, замонавий шаклга эга эмаслиги, чоп этиш ва етказиб беришда ҳам камчиликлар тўпланиб қолган. Шу ўринда дарсликлар таъминоти бўйича бошланган туб ўзгаришлар бутун таълим тизимининг самарасини белгилаб беради, деб бемалол айтиш мумкин.

Умид ЗОКИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Фикр

Кейинги йилларда таълим соҳасининг барча босқичини замонавий талаблар асосида ташкил этиш, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, дарсликларни энг замонавий методикалар асосида яратиб ва чоп этишга қаратилган кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилингани бежиз эмас. Зеро, яхши, сифатли таълим дастури ва дарсликлар таълим сифатини оширишга, болаларни ўқишга қизиқтиришга хизмат қилади.

Дарсликлар мактаблардаги ўқув дастурининг мазмунини ҳам, ўқитиш методологиясини ҳам ўзида акс эттирадиган рисола бўлиб, улар ўқувчига нима ва қандай қилиб ўргатиш кераклигини тартибга солиди. Бугунги дарсликлар ҳам, таълим дастури ҳам шундай ишлаб чиқилганки, ундан кўзланган мақсад ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантириш, уларда ўз фикрини баён этиш, асослаш ва ҳимоя қилиш кўникмасини ривожлантиришга эришиш ҳисобланади.

Бугунги кунда республика миқдосида умумтаълим мактабларида ўқув дастури ва дарсликларини такомиллаштиришга

қаратилган бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, умумий ўрта таълим муассасаларининг 1 — 4-синфларида дарсликларни янгилаш бўйича квоталар тасдиқланди.

Янги ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларининг 1 — 4-синфларида ўқувчиларга бошланғич, 5 — 9-синфларида таянч ҳамда 10,11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган билимларни беришга йўналтирилган ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуалар тақдим этилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, билимни баҳолашнинг янги тартиби жорий этилиб, унинг доирасида ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ўқитилган мазмуни амалиётда қўллаб билиш, танқидий фикрлаш ва берилган материални таҳлил қила олиш каби кўникмалари баҳолашни режалаштирилмоқда.

Ўзбекистоннинг дунё бозорига фаол кириб бораётгани ҳамда халқаро ҳамкорлик алоқалари кун сайин кенгайиши бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олийгоҳ битирувчилари камида 2 та чет тили мукаммал билиши шартлиги билан боғлиқ қатъий талабни юзага келтирди.

Ропна-роса икки йил аввал

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоши келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.



Тахририятга келган қўёмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаъобгар. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов. Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши